

POSITIVE IMPACT OF PUBLIC CULTURE ON CHILDREN'S SPIRITUALITY

Karimova Dilafruz Ravshanovna-

International Islamic Academy of Uzbekistan

tel: +998909633171, E-mail: afruza@ro.ru

SUMMERY

This article investigates the negative impact of “mass culture” in the spiritual and moral development of the child.

Keywords: child, popular culture, subculture, harmful information, mature generation.

Таянч сўзлар: бола, оммавий маданият, субмаданият, зарарли ахборот, баркамол авлод.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада “оммавий маданият”нинг болалар маънавияти, ахлоқи ва руҳияти салбий таъсири таҳлил этилган.

РЕЗЮМЕ

В этой статье рассматривается негативное влияние “массовой культуры” на духовно-нравственное развитие ребенка.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида ёшларга ҳар томонлама мукамал таълим-тарбия бериш масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратилиб, келажак авлодни интеллектуал, жисмоний ривожланиши билан бир қаторда маънавий ва ахлоқий камолоти йўлида кенг қамровли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Юртимизда баркамол авлод тарбияси, уларда ҳар томонлама миллий ва маънавий қадриятларни юксалтириш борасида фикр юритар эканмиз, “оммавий маданият” масаласига алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, сўнгги пайтларда турли ҳил ғаразли кучларнинг “оммавий маданият” (инглизча: “mass culture”) ниқоби остида хатарли ғояларни ёшлар онгига сингдиришга уринишлари кучаймоқда. Бундай “маданият” таъсирига дучор бўлган болалар лоқайд, енгил-елпи ҳаётга ошно, юрт равнақи ва халқ тинчлигига бефарқ кимса бўлиб вояга етади. “Оммавий маданият” жамиятда бузғунчилик ва зўравонликни тарғиб этиш ҳамда болаларга гўё истаган ишини қилиш– “эркинлик бериш” каби одатларни ёйиш билан маънавиятини инқирозга дучор қилади. “Оммавий маданият” ниқоби остида ётган мафкура мазмуни асосини “Аввал мен, кейин бошқалар!” куринишидаги ғарбона эгоцентризм ғояси ташкил этади. Кўҳна Шарқда эса оилага, жамоага интилиш, улар манфаатини устун қўйиш, ўзгаларнинг ўзлари ҳақидаги фикрига эътибор бериш анъаналари минг йиллар давомида ўзининг ижобий натижаларини бериб келгани маълум. Француз олими А. Молнинг “мозаик маданият” назарияси оммавий онгга хос хусусиятни яхшироқ тушунишга ёрдам беради. Тадқиқотчининг фикрига кўра, оммавий коммуникация воситаларининг вужудга келиши ва ривожланиши натижасида гуманитар маданият назариясининг ижтимоий ҳаётдаги аҳамияти кескин пасайди. Унга кўра одамнинг ақлий қобиляти шаклланишида

таълим устувор аҳамиятга эга эди. Энди унинг дунёқараши рекламада ўқиган, радиодан эшитган, кинофильмларда ёки телевидениеда кўрган маълумотлардан ва ҳамкасблари, ўртоқларидан эшитган янгиликларидан шаклланади[2, 38]. Бугунги замонавий фан “оммавий маданият”нинг туб замирида, тижорат моддий манфаатдорлик борлигини эътироф этади. Тарихга назар ташласак, ҳар доим товарлар билан бирга бегона мафкуралар ҳам ёйилгани маълум бўлади. Ҳозир ҳам маданиятлар экспортида товар фаол қўлланилмоқда. Масалан, Ғарб давлатлари рамзлари туширилган, маъносини ўзи ҳам тушуниб етмайдиган турли чет тилидаги ёзувлар битилган кийимларни кийиб юрганлар “оммавий маданият” тарғиботчиси бўлаётганлигини англаб етмайдилар. “Оммавий маданият”, туб моҳиятига кўра, миллий маданиятнинг кушандаси бўлиб, у маданий плюрализмни хушламайди, унинг асл мақсади– бу оламни бир хил рангда кўриш[3, 66]. “Оммавий маданият”га эргашиш, одатда, дунёқараши, онги тўлиқ шаклланмаган, миллий қадриятлар моҳиятини англаб етмаган ёшлар орасида кўпроқ кузатилмоқда. Мисол учун, оммавий маданият таъсирида ёшлар орасида “валентин куни”, “хелловин байрами”ни нишонланиши, поп–арт¹, поп–музыка², Китч³, старизм⁴, хэпшининг⁵ кабиларнинг оммалашуви, татуаж, пирсинг, металикага берилиш каби миллий анъаналаримизга ёт одатлар оммалашиб кетганини кузатиш мумкин. Энг ачинарлиси, “оммавий маданият” натижасида ёшлар гиёҳвандлик, ОИТС хасталиги каби бедаво офатларга мубтало бўлмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда менталитетимизга ёт бўлган хорижий ахборотларнинг жамиятга зарарли таъсирининг олдини олиш илмий асосланган ҳолда олиб борилмоқда. Оммавий маданият инсонни барча соҳаларда, жумладан, маданият ва дам олиш, бўш вақтни ташкил қилиш борасида ҳам индивидуаллигини йўқотган истеъмолчига айлантириб қўяди. Оммавий маданият ниқоби остида вақти-вақти билан пайдо бўладиган турли ижтимоий ҳаракатлар ва гуруҳлар фахш ва зўравонликни тарғиб қилувчи фильмлар, бошқа турдаги ёшлар онгини захарлайдиган ахборотлар таъсири эса инсон шахсини емиришга, жамиятни дегуманизация қилишга олиб келади. Бундай шароитда ёш авлодни, миллий маданиятни қандай ҳимоя қилиш керак, деган масала долзарб бўлиб қолмоқда[3, 67]. Айни пайтда “оммавий маданият – мафкуравий уруш қуроли” [6, 74] бўлиб майдонга чиқмоқда.

Болалар маънавиятига зарар етказувчи ахборотлар борасида фикр юритар эканмиз, субкультура (субмаданият) масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Субкультура бу – анъанавий маданиятдаги мавжуд меъёр ва қадриятларни негатив талқин этиш, ҳукм суриб турган маданият ичида ёшлар гуруҳларининг ўзига хос турмуш тарзи ва тафаккурини шакллантиришга бўлган интилиш асосида шаклланган меъёр ва одатлар тушунилади. Мазкур ҳолатни социологлар айрим жиҳатларидан келиб чиқиб, “девиант

¹ Чикиндилардан санъат асарлари яратилиши.

² Кучайтирилган ритм, зарб, шовқин товушлар охангида жазавали, васвасали, бадахлоқ ҳаракатлар билан раксга тушиш. Поп–музыка намоёндаларининг ҳатти–ҳаракати, либоси, қўшиқ матни одоб–ахлоқ нормаларига тўғри келмайди.

³ Заррача бадий–эстетик қимматга эга бўлмаган нарса ва буюмларга юксак андоза тусин бериш.

⁴ Субъектив эҳтиросларга берилган ҳолда эстрада артистлари, актёрлар, спортчилар, телеюлдузларни илоҳийлаштириш.

⁵ Аввалдан режалаштирилмаган, ногоҳон уютирилган ноодатий “кескин” томошалар. Масалан, автомобилларни уриш, ўт қўйиш, ёндириш, синдириш орқали оммавий “кўнгил хушлик”лар уюштириш.

ҳолат” деб ҳам изоҳлайдилар. Бу йўналишдаги ёшларнинг “ноформаллар”, “хиппи”, “рокер”, “металлист”, “панклар”, “любер”, “фан клуб аъзолари”, “рок маданият фидойилари” каби турларини мисол қилиб келтириш мумкин[5, 44]. Ёшлар субмаданиятлари ташкил топиши жараёнида маънуй-ахлоқий қадриятларнинг бузилиши сингари салбий тенденциялар, муҳим ҳаётий аҳамиятга эга тушунчаларнинг нотўғри идрок этилиши натижасида вужудга келадиган стихияли ижтимоийлашув, ўспиринларнинг ўзини намоён қилишга интилиши билан боғлиқ раишда шаклланадиган девиант ҳуқ-атвор экстремизмнинг, кейинчалик эса терроризмнинг ривожланиши учун муҳим манба бўлиб хизмат қилиши мумкин. Шу сабабли, шахс жаҳонда кечаётган ижтимоий, сиёсий, маънавий, диний вазиятдан бохабар бўлиш, улардан тўғри хулоса чиқара олиш, шу орқали мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш қобилиятини ривожлантириш лозим. Мисол учун, Ғарбда тарқалган аксар тариқатларда “New Age”[7, 32] ҳаракатининг кучли таъсирини кузатиш мумкин. Ҳаракат турли динлардаги мистик, фалсафий оқимларни ўзида қамраб олиш ва улар орқали ўз тамойилларини тарғиб этиш хусусиятига эга. Ғарбдаги турли субмаданиятларнинг синкретик синтези натижаси бўлган “New Age” эътиқоди, бу каби беҳисоб “гуру” ва “пир” ларнинг раҳнамози сифатида майдонга чиқди. Шарқдан кириб келган ҳар қандай ноанъанавий диний-фалсафий таълимотлар қисқа муддат ичида Европада катта шуҳрат қозониб, кўплаб мухлисларга эга бўлаётган эди. XX асрнинг 70-80 йилларида Европа ёшларининг “юлдуз”ига айланиб улгурган кўплаб замонавий мусиқа ва кино санъаткорларининг маълум бир шарқона таълимотга кириши ёки ўз гурусига эгаллиги бу жараённи янада оммалашиб кетишига сабаб бўлди[4, 134].

Хулоса ўрнида, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ахборот хуружларининг ижтимоий онгни манипуляция қилиш, миллий-маънавий қадриятларни емириш, менталитетга мутлақо ёт бўлган бегона қадриятларни тарғиб этиш, халқнинг тарихий хотирасини бузишга қаратилган турлари кенг тарқалиб, айрим қора кучлар томонидан давлатимиз осойишталиги ва тинчлигига тажовуз қилишдир. Халқнинг юрагига ваҳима ва қўрқув солиш ҳисобидан уларнинг эртанги кунига бўлган ишончини йўқотиш, бир-бирига қарши қўйиш, юртда, минтақада ўз манфаати, сиёсатини ўтказишдан иборат. Шу боис мустақил фикрга эга бўлган шахсни тарбиялаш масаласи нафақат маънавий, балки, сиёсий аҳамиятга молик масаладир. Демак, ёш авлоднинг қалби ва онгида мафкуравий бўшлиқ бўлишига йўл қўймаслик, улар дунёда рўй бераётган сиёсий жараёнлар моҳиятини чуқур ва тўғри англаши, энг муҳими, ўз қатъий фуқаролик позициясига эга бўлиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1) Моль А. Социодинамика культуры. – М.: Издательство ЛКИ, 1973. – 416 с.
- 2) Нарбеков А.В. “Оммавий маданият” тушунчаси билан боғлиқ баъзи мулоҳазалар// Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси Ахборотномаси. — Тошкент, 2013. —№1. —Б. 66.
- 3) Дворкин А.Л. Сектоведение. — Нижний Новгород, 2002. — 813 с.
- 4) Қодиров У. Ёшлар субмаданияти қадриятлар тизими сифатида// “Замонавий таълим” илмий-амалий оммавий журнал. — Тошкент, 2012. — №1. — Б. 44.

- 5) Ғойибназаров Ш. Оммавий маданият. – Т.: “O‘zbekiston” НМИУ, 2012. – 70 б.
- 6) Bear Randall N. Inside the New Age Nightmare. – U.S.: Huntington House Inc., 1989. – p. 197.